O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV.№ 201000

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 7 октябр шанба

Сотувда эркин нархда

№ 200 (2497)

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Япония молия вазирлигининг Сиёсий тадқиқотлар институти президенти Хироясу Ватанабэ бошчилигидаги делегация ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Р.Азимов билан учрашди.

Япония молия вазирлиги ҳузуридаги Сиёсий тадқиқотлар институти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири Япония иқтисодини тадқиқ қилишдир. Илм маскани бу борада Япония олий ўқув юртлари олимлари, хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликда кўплаб анжуман ва семинарлар ўтказади, илмий тадқиқотлар ва ҳар хил лойиҳалар устида иш олиб боради.

Сиёсий тадқиқотлар институти Ўзбекистондаги қатор илмий ва молиявий муассасалар билан ҳам яқин алоқа ўрнатган. Жумладан, Ўзбекистон молия вазирлиги 1993 йилдан буён мазкур институт билан ҳамкорлик қилиб келади. Ўтган вақт давомида вазирликнинг қирққа яқин мутахассиси ушбу институтда бўлиб, тажрибасини бойитиб, малака ошириб қайтди.

Молия вазирлигида бўлган учрашувда мавжуд ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, соҳа мутахассислари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Меҳмонлар шу куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳам бўлиб, музокара ўтказди.

**(ЎзА).**

***Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини қўшма корхоналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки Ватанимиз экспорт салоҳиятини ошириш, илғор технологияларни жорий этишда уларнинг ўрни каттадир.***




## АСОСИЙ МАҲСУЛОТ — ЭКСПОРТГА



*Тошкент вилоятида фаолият юритаётган «Кобул-ўзбек Тўйтепа текстиль» қўшма корхонаси ана шундай жамоалар сирасига киради. Мазкур корхонада бугунги кунда ўндан ортиқ турдаги ип-калава ва пахтадан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.*

*— Маҳсулотларимизнинг асосий қисми АҚШ, Бельгия, Германия ва яна бир қатор Европа давлатларига экспорт қилинмоқда, — дейди қўшма корхона вице-президенти Нодир Мусаев. — Жумладан, шу йилнинг ярим йиллигида пойтахтнинг «Кўкча» маҳалласида ташкил этилган янги қўшма корхона билан биргаликда салкам 40 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот Европа давлатларига экспорт қилинди. Йил якунига қадар бу кўрсаткични 80 миллион АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Хорижда бир нечта савдо уйимиз барпо этилган бўлиб, улар орқали маҳсулотларимизни Европа давлатларида кўз-кўз қилиш имкони туғилмоқда..*

*Шуни айтиш лозимки, бу ердаги замонавий ва мукаммал машиналари бошқариб, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулот тайёрлаётганларнинг қарийб 70-75 фоизи қишлоқ ёшларини ташкил қилади.*

*— Корхонамиз уч сменада ишлайди, — дейди Нодир ака сўзида давом этиб. — Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг асосий қисми вилоятнинг Бўка, Оҳангарон сингари узоқ туманларидан қатнашади. Улар учун деярли барча шароитлар яратилган, келиб кетишлари учун автотранспорт қатнови ташкил этилган. Шунингдек, уларга бепул хизмат кўрсатадиган ошхона, врачлик пунктлари, арзонлаштирилган соғломлаштириш масканлари, ётоқхона мавжуд. Ишчи-хизматчиларнинг 25 фоизи Жанубий Кореяда ўқиб, тажриба орттириб қайтишган.*

**СУРАТЛАРДА: қўшма корхонанинг олд кўриниши; ишчи Фарида Раҳмонова.**

**Б.ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Кеча Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда макроиқтисодий кўрсаткичлар истиқболлари ва 2001 йилнинг Давлат бюджети лойиҳаси кўриб чиқилди. Мажлисда Олий Мажлис депутатлари, Марказий банк, вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисни қўмита раиси, ишчи гуруҳининг раҳбари А.Аҳадов олиб борди.

Мажлисда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг лойиҳаси ва макроиқтисодий кўрсаткичлар истиқболлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессияларидаги маърузаларида белгилаб берилган устувор тамойил ва йўналишларга асосланиб ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетининг лойиҳасида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, инфляция даражасини ва Давлат бюджетининг тақчиллигини пасайтириш, фаол инвестиция сиёсатини ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилган. 2001 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлашуви, ялпи ички маҳсулотнинг, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қўйилмалар, товар алмашинуви ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг ўсиши давом этади.

Давлат бюджетининг даромад қисми тадбиркорларнинг фаоллигини ошириш, жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқарувчиларга солиқларни янада камайтириш, билвосита солиқлар ва ресурс тўловлари улушининг бирмунча ўсиши ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилади.

2001 йилда аҳолининг ишончли ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурларини рўёбга чиқариш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш Давлат бюджети харажатлар қисмининг устувор йўналишлари этиб белгиланди. Мамлакатнинг мудофаа салоҳияти ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича харажатларни тўлиқ молиялаш назарда тутилди.

Мажлисда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг истиқболлари ва 2001 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасини Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларига, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар блокларига ҳар томонлама ўрганиш ҳамда муҳокама қилиш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Давлат бюджетининг лойиҳаси юзасидан берилган таклиф ва мулоҳазалар ишчи гуруҳида, Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашига тақдим этилади.

* * *

Яқинда Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмиталари иш режаларига биноан қўмита аъзолари ва мутахассисларидан иборат гуруҳ ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни яхшилаш ишларини ташкил қилишнинг Андижон вилояти ва Тошкент шаҳридаги аҳволини ўрганган эди. Кеча Олий Мажлисда икки қўмита аъзолари, тегишли ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, мутахассислар иштирокида ана шу масалани ўрганиш якуни ва хулосаларига доир қўшма йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Илгизар Собиров олиб борди ва ўрганилган масалалар юзасидан йиғилганларга атрофлича маълумот берди.

Йиғилишда таъкидланганидек, чақирув ёшидаги йигитлар орасида маънавий-ахлоқий ишларни яхшилаш борасида Андижон вилояти ва Тошкент шаҳри туманларидаги мутасадди ташкилотлар «Маҳалла», ««Камолот» ва «Нуроний» жамғармаларининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда жойларда талай амалий ишларни олиб бормоқда.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 1999 йилнинг баҳорида чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматга яроқли деб топилган қисми 1998 йилга нисбатан кўпайди. Тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилаётгани натижасида Андижон вилоятида 1998-99 ўқув йилида 102 нафар, Тошкент шаҳрида 76 нафар ёшлар олий ва ҳарбий ўқув юртларига ўқишга кирганлар. Бу ҳам қувонарли. Лекин... Лекин ўрганиш жараёнида жойларда ҳарбий хизмат билан боғлиқ тадбирлар фақат чақирув бошланиши арафасида ўтказилаётгани, у ҳам бўлса ҳар доим қабул қилинадиган қарорлар, чақирув комиссиясининг таркибини тасдиқлаш билан чегараланиб қолинаётгани кўзга ташланди. Мудофаа ишлари бўлимларига ажратилган биноларнинг аксарияти таъмирлашни талаб этади. Масалан, Тошкент шаҳрининг Мудофаа ишлари бошқармаси чақирув пункти, Бектемир, Миробод туманларининг мудофаа ишлари бўлимларига ажратилган биноларни ана шундай ҳолатда дейиш мумкин. Акмал Икромов тумани Мудофаа ишлари бўлими эса авария ҳолатидаги бинода жойлашган.

Ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш борасида ҳам айрим нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Андижон вилоятидаги Мудофаа ишлари бўлимлари тиббий комиссиялари томонидан 1998 йил давомида ҳарбий хизматга яроқли деб топилган бир неча йигит соғлиги ёмонлиги туфайли ҳарбий хизматдан қайтарилган. Ва улар қайта текширилганда, 17 нафарига қўйилган ташхислар тасдиқланмаган. 1999 йилда ҳарбий хизматни ўтиш жойларидан соғлиғи туфайли қайтарилган 22 нафар чақирилувчи қайта текширилганда 10 нафарининг ташхиси тасдиқланмаган. Чақирув комиссиялари томонидан аниқланилаётган касалликлар даражасининг юқорилиги ҳарбий чақирувгача бўлган даврда ёшларга кўрсатилаётган тиббий хизмат етарли эмаслигидан далолат беради.

Ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни яхшилаш ишлари, ҳарбий билим бериш, уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш каби ишлар Андижон вилояти, Тошкент шаҳар таълим муассасаларининг ўқув-тарбия режаларидан етарлича ўрин олмаган. Андижон вилоятида ҳам, Тошкент шаҳрида ҳам ҳарбий тайёргарлик фанларининг ўтилиши, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш билан боғлиқ ўқув-моддий базасини яратиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар кўрилмаган. Ҳозирги кунда ёшларни чақириққача ҳарбий таълим фани ўқитилиши билан боғлиқ ўқув-моддий база тўлиқ таъминланган мактаблар 43,8 фоизни ташкил қилади, холос.

Йиғилишда Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё сўз олиб, бундай камчилик ва муаммолар барча вилоятларимизда ҳам учраши мумкинлиги, шу боис уларни бартараф қилишнинг амалий чора-тадбирларини топиш кераклиги ҳақида гапирди, бир қатор таклиф ва мулоҳазаларини айтди.

Йиғилишда, шунингдек, тегишли ҳокимликлар ва вазирликлар вакиллари ҳам муҳокама қилинган масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилиш сўнгида икки қўмитанинг кўрилган масалага доир қўшма қарори қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

### Қонун ва ижро

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАНМИ?

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 августдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазкур қўмита зиммасига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, истеъмол товарлари нархлари ва хизматлари тарифлари мониторингини ўтказиш, бозорда сифатсиз истеъмол товарлар сотилиши ва хизматлар кўрсатилишига олиб келувчи номақбул рақобатнинг олдини олиш каби масъулиятли вазифалар юклатилган.***

Хизмат кўрсатиш соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва «Реклама фаолияти тўғрисида»ги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси ташкил этилди. Таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонун қабул қилинган бўлса-да, баъзи ишлаб чиқариш корхоналари, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида унинг меъёрларига риоя этилиши талаб даражасида эмас. Бу эса жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Қонун талабларига риоя этилиши юзасидан қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 937 та маиший хизмат, савдо, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида текшириш ҳамда таҳлил ишлари ўтказилди. Ва унинг 686 тасида (73,2 фоиз) турлича қонунбузарликлар аниқланди. Текширишлар натижасида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланиб, 4,69 миллион сўм маблағ истеъмолчиларга ундириб берилди, 5,7 миллион сўм жарима билан қўшиб ҳисоблаганда «Нархларни бошқариш жамғармаси»га жами 8,39 миллион сўмлик маблағ туширилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилганига қарамай, жорий йилнинг биринчи ярмида қўмитага 159 та ариза ва шикоят келиб тушди. Унинг 152 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди, 7 таси ўз тасдиғини топмади. Аризалар, асосан, коммунал хизмат кўрсатиш, савдо, маиший хизмат соҳаларида истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётганлиги, тузилган шартномаларнинг тўлиқ бажарилмаслиги, амалга оширилмаган иш, хизматлар учун ҳақ ундириш каби қонунбузарликлар тўғрисидадир. Масалан, Чилонзор туманида истиқомат қилувчи фуқаро Т. Даутовдан «Ўзуйжойқурилиш» банки бўлими шартнома шартларига хилоф равишда уйни ўз вақтида эксплуатацияга киритмаётганлиги тўғрисида ариза келиб тушди. Қўмитанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бу масала билан жиддий шуғулланди. Натижада уйни топшириш муддатини кечиктирганлик учун истеъмолчи фойдасига банк ҳисобидан 42,5 минг сўм пеня ундириб берилди. Бундан ташқари, Юнусобод туманида яшовчи фуқаро Е. Щербаковадан 45 минг сўмлик яроқсиз тюнерни сотувчи қайтариб олмаётганлиги тўғрисида эътироз тушди. Ҳудудий бошқарма аралашувидан сўнг ишламайдиган тюнер янгисига алмаштириб берилди.

Яна бир мисол. Фуқаро Е. Охрименкодан авиакомпания томонидан фойдаланилмаган билет қайтариб олинмаётганлиги тўғрисида ариза тушди. Ҳудудий бошқарма аралашувидан сўнг билет нархи аризачига қайтариб берилди.

Умуман, қўмита томонидан текширишлар, келиб тушган шикоят-аризалар бўйича 626 та ёзма кўрсатмалар берилди. Ана шуларнинг 593 таси ўз вақтида бажарилди, кечиктирилган 25 та ёзма кўрсатма учун хўжалик юритувчи субъектларга 3377,3 минг сўм миқдорида жарима солинди.

Қонун талабларини бажариш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини жамоат ташкилотлари орқали ҳимоя қилиш, жамоат марказлари тузиш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда қўмита ташаббуси билан 650 аъзога эга бўлган 48 та жамоат ташкилотлари адлия органларида рўйхатдан ўтказилди. Бундан ташқари Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида жамоат ташкилотлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари иштирокида семинарлар ўтказилди. 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб барча олий таълим муассасаларида 80-90 соат, касб-ҳунар лицей ва коллежларида 10 соат, умумтаълим мактабларининг 10-11 синфларида 6 соат ҳажмида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўқув дастури киритилди.

Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида жорий йилнинг сентябридан бошлаб ишонч телефонлари ташкил этилган. Истеъмолчилар ушбу телефонлар орқали турли масалалар бўйича бемалол мурожаат қилишлари мумкин. **Қўмитанинг ишонч телефони: 139-83-37, Тошкент шаҳар бошқармасида: 133-09-39.**

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари ҳузурида ҳам ишонч телефонлари жорий қилинган. Истеъмолчиларнинг ҳар қандай эътирозлари жойида ўрганилиб, ҳал этилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг матбуот маркази.**

## Ошкора мулоқот

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Б.Ҳамидов бошқарди.

Вилоят раҳбарлари билан очиқ суҳбатда қатнашган тадбиркорлар ўзларини қийнаётган, иш юритишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳақида фикр алмашдилар, иқтисодиётнинг асосларидан бўлмиш кичик ва ўрта бизнес корхоналари кўламини кенгайтириш бўйича таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«Обуна-2001»

МАЪНАВИЙ БОЙЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

## Одами эрсанг демагил одами, Оникм йўқ ХАЛҚ СЎЗИдин ғами

«Халқ сўзи» — сизнинг газетангиз



Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг мухлислари маъзур тутсинлар, шеъриятимиз султони фалакнинг гардиши билан бизга замондош бўлганларида, юқоридаги шоҳ байтни озгина ўзгартириб айтишларини хаёл қилдик.

Албатта, гап фақат газета номланиши ҳақида эмас. Азалдан эл-улус ичида «Халқ сўзи — ҳақ сўз» деган ибора мавжуд. Биз, таҳририятимиз ижодий жамоаси ана шу эзгу мақсад сари интилсак, газетхонларимиз айбга буюришмаса керак.

Қайси нашрга обуна бўлиш — ҳар кимнинг ўз ихтиёри. Биз ҳозирги обуна мавсумида «Халқ сўзи» газетасининг бошқа даврий нашрлардан алоҳида жиҳатларини тилга олмоқчимиз.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»** — бу ҳафта мобайнида узлуксиз чиқадиган ўзбек тилидаги ягона кундалик газетадир.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»** — Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, халқ ҳукмига ҳавола этиладиган қонун лойиҳалари, Олий Мажлис қабул қилган қонунлар тўлиқ чоп этиладиган даврий нашрдир.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»** — халқнинг дилидаги масалаларни кўтариб чиқиб, уларнинг ечими ҳал этилгунча изчил курашадиган газета.

**Муҳтарам газетхон!**

Сизларга шуни маълум қилмоқчимизки, 2001 йилда таҳририят таркибида газетхонлар фикрини ўрганиш билан шуғулланадиган бўлим фаолият юритади.

Демак, «Халқ сўзи» чин маънода халқ ўй-фикрларининг кўзгусига айланади. Шу ўринда қуйидаги савол билан сизларга мурожаат қилмоқчимиз:

***«Сиз «Халқ сўзи» саҳифаларида қайси мавзулар кўпроқ ёритилишини хоҳлаган бўлардингиз?»***

____________________

____________________

____________________

____________________

**Марҳамат, фикр-мулоҳазаларингиз ёзилган мактубларни кутамиз. Диққатга сазовор хатлар обуна мавсуми мобайнида чоп этилади. Манзилимиз ўзингизга маълум: Тошкент 700000, ГСП Матбуотчилар кўчаси 32-уй, «Халқ сўзи» таҳририятига, «Обуна-2001» белгиси билан ёзиб юборинг.**

КЕЛГУСИ ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА, ШОШИЛИНГ!

«Халқ сўзи» — 229
«Народное слово» — 86

### Қонун лойиҳаси — муҳокамада

# ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ

## Адолат учун курашдир

***Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юзлаб Қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилди. Уларнинг барчаси жамиятимиз ҳаётини, иқтисодиётини, ислоҳотларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга қаратилди. Лекин «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (биринчи ўқишда) Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси, унинг номи ҳам биз яшаётган даврнинг нақадар мураккаблигини, шу боис доимо ҳушёрлик зарурлигини кўрсатади. Чунки гап бутун инсониятга хавф солаётган бало-қазо — терроризм ҳақида кетмоқда.***

Терроризм, унинг ҳар бир шахсга, ҳар бир миллатга, ҳар бир давлатга, бутун инсониятга солаётган таҳдиди ҳақида Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида бундан бир неча йиллар олдин огоҳлантирган эди. Терроризмнинг чегара билмаслиги, у ўзи пайдо бўлган ҳудудда йўқ қилинмаса, албатта, қўшни мамлакатларга ёйилишини, терроризм халқаро миқёсда ёйилиб бўлганлигини, уни тугатиш учун давлатлар ҳамжиҳатликда уюшиб курашишлари кераклигини жаҳоннинг энг юксак минбарларидан туриб, шу жумладан, БМТнинг яқинда бўлиб ўтган «Мингйиллик саммити»да ҳам уқтирган эди. Агарда Олий Мажлис ушбу қонунни кейинги сессияда қабул қилса, Президентимизнинг халқаро ташаббусларини қўллаб-қувватлаган ва Ўзбекистон халқини терроризм бало-қазосидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлади.

Энди бевосита Қонуннинг биринчи ўқишдаги матнига доир айрим мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман. Қонун лойиҳасининг 5-моддаси «Террорчилик фаолиятининг олдини олиш» деб аталган. Бу жуда тўғри. Чунки терроризм билан курашишдан кўра унинг олдини олиш ҳамма томонлама афзал. Бироқ, шуни қайд қилиш керакки, ушбу қонун ҳам ҳар бир фуқаро онги, тафаккуридан жой олмоғи, халқимизда терроризмга нисбатан салбий муносабат уйғотиб, огоҳлантира олиши зарур. Ана шунда терроризмга қарши кураш нафақат давлатнинг, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаётий бурчига айланади. Бу эса Ўзбекистонда террорчи гуруҳ, ташкилотлар пайдо бўлиш хавфининг олдини олади. Демак, террорчилик ҳаракатининг манбаи, асоси йўқ қилинади. Бу эса терроризмга қарши курашнинг энг яхши усули — оқибат билан эмас, сабаби билан курашиш демакдир. Шу боис 5-модданинг биринчи хатбошиси 6-7-қаторидаги **«Ижтимоий-иқтисодий»** сўзларидан кейин **«маънавий-маърифий»** деган жумлани қўшиб қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

4-моддада «Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари» баён қилинган. Назаримда, бу моддани яна бир принцип билан бойитиш зарурати борга ўхшайди. Бу терроризмга қарши курашиш вақтинчалик эмас, доимий, профилактик асосга қурилишидан келиб чиқади. Ўзбекистонда буни амалга оширишнинг бошқа мамлакатларда учрамайдиган бой имкониятлари бор. Мен республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва унинг таркибига кирувчи жамоат ташкилотларини, энг муҳими, қудратли тарғибот тизимини назарда тутаяпман. Шу зарурат ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, 4-моддадаги принциплар сифатида **«маънавий-маърифий профилактика»** деган жумлани киритишни таклиф қиламан. Чунки одам маънавият чегарасидан чиққач, жиноят чегарасига ўтади. Мазкур модда маънавият, маърифат, миллий ғоя ва миллий мафкурани терроризмга қарши сафарбар қилади. Бу эса терроризм мафкурасининг тарқалишига йўл қўймайди.

Энди қонун лойиҳасининг тили ҳақида. Менинг назаримда, лойиҳада ғализ жумлалар учрайди. Масалан, «оқибатларини минималлаштириш», «категорияланган объектлари», «зонасининг чегаралари», «шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси», «ихтиёрий қайтганлик институти» ва шу кабилар.

Яна бир термин ҳақида. Қонун лойиҳасида «яксон қилиш» деган ибора кўп ишлатилган. Ушбу жумла ўрнига баъзи ҳолларда **«йўқ қилиш» «бартараф этиш», «таг-томири билан йўқотиш», «чек қўйиш»** сўзларини ҳам қўллаш мумкин. Айрим ўринларда **«яксон қилиш»** жумласи етарли маънони бермайди.

Қонун лойиҳасининг 11-моддасида Давлат божхона қўмитасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари ҳақида гап борар экан, қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар, «террорчилик ҳаракатлари ишлатилиши мумкин бўлган материаллар ва асбоб-ускуналарни» сўзидан кейин **«шу жумладан, тарғибот материаллари ва воситаларини»** деган жумлани қўшиб қўйиш зарурга ўхшайди. Сабаби — ҳозир қурол-яроғ ўз йўлига-ку, мафкуравий таъсир воситалари, тарғибот материаллари — дейлик, турли китоблар, варақалар, видеокассеталарни чегарадан олиб ўтиб тарқатишга уриниш, шу йўл билан халқнинг онгига мафкуравий террор ўтказиш ҳолатлари ҳам кўпаймоқда. Демак, қонун лойиҳасида мафкуравий терроризмнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳам аниқ-тиниқ кўзда тутилиши керак.

«Террорчиликка қарши операция ўтказаётган шахсларнинг мазкур зонадаги ҳуқуқлари» дейилган 19-модданинг охирги хатбошисидаги «махсус воситаларини огоҳлантиришсиз ва чекловларсиз қўллаш» жумласи ўрнига **«махсус воситаларни вазиятдан келиб чиқиб қўллаш»** деган сўзларга алмаштирган маъқул. Албатта, вазият талаб этгандан кейин ҳар қандай воситалардан огоҳлантириб ўтирмасдан, чекловларсиз қўлланилади. Бу табиий ҳол.

20-моддада ОАВда «қуйидаги ахборотларни тарқатишига йўл қўйилмайди» деган жумланинг биринчи қаторига **«мамлакат миллий манфаатларига зид бўлган»** деган сўзларни киритишни таклиф қиламан.

Мен шу ўринда бир нарсани қатъий таъкидламоқчиман: азалдан террорчилик бизда ота-боболаримиз томонидан қаттиқ қораланган. Масалан, ҳазрат Алишер Навоий асарларини варақласак, босқинчилик, қароқчилик, эл-юрт молу жонига қасд қилиш қанчалар қаттиқ қораланганини кўрамиз.

«Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод кемада қароқчиларга қарши мардлик билан курашади. Адолат қарор топади — Фарҳод қароқчиларни енгади.

«Сабъаи сайёр» достонида-ку шоир Баҳромни ҳайвон овлаб қон тўккани учун қоралайди:

*Қон тўкардаки йўқ*
*ҳарос элга,*
*Бўлубон лолагун*
*либос элга,*
*Қондин ул ерда*
*гулистон бутти,*
*Гўйиёким ул элни*
*қон тутти.*

Халқимизда «қон тутмоқ» деган ибора бежиз айтилмаган. Бу ноҳақ тўкилган қон учун муқаррар жазо бор, деган ақидадан дарак беради.

Қаранг, ҳазрат Навоий асарида ноҳақ қон тўккани учун Баҳром ва унинг сафдошларини қон тутади — уларнинг барини ер ютади.

Демоқчиманки, терроризмга қарши кураш ҳамиша инсоният тарихида адолат учун кураш бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак. Шундай экан, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ушбу лойиҳани муҳокама қилишда билдирилган тегишли таклифларни инобатга олган ҳолда иккинчи ўқишда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Аслиддин БОЛИЕВ,**
**Олий Мажлис депутати.**

# Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари

Ўзбекистон аҳли Кунчиқар мамлакатининг анъанавий маданияти, санъати ва замонавий ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон Давлат санъат музейида мамлакатимизда Япония маданияти кунларининг расмий очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Маданият кунлари расман бошланишидан аввал Япония ҳукуматининг кичик кўламдаги лойиҳалар ижроси учун беғараз ёрдам кўрсатиш дастури бўйича грант-контрактлар имзоланди. Ушбу ҳужжатларга кўра, Фарғона вилоятидаги бешта ўрта мактаб умумий қиймати 163 минг АҚШ долларига тенг грант олади. Шунингдек, Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги "Мискин" маҳалласига "Зиё" ўқув-ишлаб чиқариш маркази тузиш лойиҳасини амалга ошириш учун 16 минг доллар ажратилади.

Тадбирда сўзга чиққан Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсатга, шунингдек, маориф соҳасига қаратилаётган эътиборга юқори баҳо берди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов халқларимизнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари кўплигини таъкидлади. Хусусан, деди у, икки халқ ўртасидаги маданий ва ишбилармонлик алоқалари узоқ тарихга эга.

Кинофестивалда олтита филм намойиш этилади. Улар орасида машҳур режиссёр Акиро Куросава асарлари ҳам бор. Бундан ташқари, Японияннинг замонавий ҳаётига оид филмлар ва мултфилмлар ҳам намойиш этилади.

Япония маданияти кунлари 30 октябргача давом этади.

**А.ОТАЖОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ишбилармонлик

# «ГУЛЧИРОЙ» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Майрамхон кўзгуга қаради. Унга сочлари чиройли қилиб турмакланган, юзлари силлиқ, қош-кўзлари попукдек аёл жилмайиб турарди: У «онангни отангга бепардоз кўрсатма» деган мақолни эслади. Эсладию майингина жилмайиб қўйди. «Салон»дан чиқди ҳамки, дугоналари уни ўраб олишди. Барча ўзига суқланиб қараётгани тўғриси... ёқди.

— Устанинг қўли гул экан, — ҳайратини яширолмади дугоналаридан бири. — Қани, бизнинг Бағдодда ҳам шундай салон очилса...

— Худо хоҳласа, мана биз очамиз-да, — деди Майрамхон ўйлаб ҳам ўтирмай. — Ахир одам қилган ишни одам қилади.

Дарвоқе, Майрамхонда бу ташаббуснинг туғилганига анча бўлган. Унда ёш эди. Телевизорда қайси сухандон ёки қўшиқчи чиқмасин, ўша куниёқ унинг соч турмаги Майрамхоннинг дугоналари сочига «кўчарди». Гарчанд у педагогика билим юртини тугаллаб, тумандаги 1-ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс бераётган бўлса-да, «Гўзаллик салони» очиш нияти сўнмади.

У мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Шоҳиста Сиддиқовага ниятини айтганда, дугонаси қувониб кетди. Ташаббус қанот ёзди. Уни амалга ошириш учун эса сартарошлик касбини пухта эгаллаш керак. Икки дугона бўш вақт топилди дегунча, Қўқонга — устозлари Татьяна Максимова ҳузурига отланишади. Таня опа ҳам шогирдларига соч турмаклашдан тортиб, кимёвий усулда сочга турли шакл ва ранглар бериш сирларини қунт билан ўргатишдан толмади. Ва, ниҳоят, ҳар икки қиз мустақил равишда ишлаш учун устоздан оқ фотиҳа олишди.

Хуллас, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими қошида «Гулчирой» гўзаллик салони очилди. Зарур соч қуритиш мосламалари ва бошқа ашёлар сотиб олинди.

Иш бошланди.

— Илк мижозларимиз ўқувчиларимиз бўлишди, — эслайди Майрамхон. — Сўнгра тумандаги кўпгина мактабларда кўргазмалар ташкил этишимизга, вақти келганда дала шийпонларига, жамоасида аёллар кўп бўлган ташкилотларга ҳам боришга тўғри келди.

Зеро, бозорнинг қонуни шундай: агар ўз ишингиз, ўз молингизнинг рекламасини эплай олмасангиз... синишингиз муқаррар.

Бугун нафақат бағдодликлар, балки қўшни Риштон тумани қиз-жувонлари ҳам «Гулчирой»нинг доимий мижозларидир.

Тўғри, ҳозир «Гулчирой»нинг ортиқча жамғармасию ҳисоб рақамида жарақ-жарақ пуллари йўқ. Қолаверса, хизмат турларини кенгайтириш учун мутахассис етишмайди. Устига-устак, хоналар тор, кимёвий дориларни топиб келтириш анчайин муаммо. Лекин нима бўлганда ҳам бағдодлик икки муаллиманинг эзгулик йўлидаги интилишлари эътиборлидир. Ишлари ойдин йўлга чиқиб олишига ишонишади. Ана шу ишонч уларга қаноат бахш этади, кўпроқ ишлашга ундайди.

Ҳозир «Гулчирой» қошида тўй либослари кўргазмаси ҳам ташкил этилган.

Дарвоқе, инсон ҳамиша гўзалликка, ораста бўлишга интилади. Буни «Гулчирой»га ташриф буюраётган ҳар бир қиз-жувоннинг юз ифодасида кўриш мумкин. Оиласи тинч, рўзғори бут, бахтибекам аёлларнинг кўнглига эса, пардоз-андоз сиғади. Гўзаллик шайдолари бағдодлик Майрамхон Турсунова ва Шоҳиста Сиддиқоваларнинг нияти: ҳамма аёллар гўзал бўлсин. Зеро, гўзалликка интилган аёлнинг кўнглида эзгу-ниятлар уммони яшайди, умид-орзу яшайди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР




*Дўстлик туманидаги Аҳмад Қулбеков номли ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Шодлик» чорвачилик ва деҳқончилик мустақил фермер хўжалиги нафақат туманда, балки вилоятдаги энг бақувват жамоалардан ҳисобланади. Хўжаликни 1992 йилда Гадоймурод ота Шодиев ташкил қилган эди. Гадоймурод ота ўз ишининг устаси, деҳқончиликда суяги қотган инсон. Унга барча юмушларни бажаришда ўғиллари Бобоқул, Комил, Фарҳод, Содиқ ва Дилшодлар яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳар йили пахта режасини ортиғи билан бажариб келаётган хўжаликнинг ҳисобида 6 миллион сўмдан ортиқ пули бор. Жорий йилда ҳам жамоа аъзолари биринчи теримнинг ўзидаёқ 28 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани ортиғи билан бажарди. Бу йилги пахтадан тушган даромаддан «Кейс» ва «Магнум» механизмларини сотиб олиш режалаштирилган.*

**СУРАТДА: терим пайти; фермер Гадоймурод ота Шодиев ўғиллари Содиқ ва Дилшодлар билан.**

**Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**



# БАНК — ТАДБИРКОР ҚАНОТИ

**Ислоҳот одимлари**

Каттақўрғон туманидаги «Беклар» хусусий корхонаси «Пахта-банк»нинг Самарқанд вилоят бошқармасига 20 миллион сўм ўрта муддатли кредит ажратишни сўраб мурожаат қилди. Корхона кредит маблағлари ҳисобига йиллик қуввати 6 минг тонна шакар ва 150 тонна спирт хомашёсига мўлжалланган цех қуришни режалаштирганди. Умумий лойиҳа қиймати 35 миллион сўмдан иборат бўлган мазкур цехнинг бир қисми барпо этилган бўлиб, унинг тўлиқ ишга тушиши учун 20 миллион сўм зарур эди. Лойиҳа республикадаги тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқлангандан сўнг вилоят меҳнат бандлиги маблағлари ҳисобидан кўзда тутилган кредит ресурси ажратилди. Хусусий корхона олинган маблағдан тўлиқ мақсадли фойдаланди. Цех тўла қувват билан ҳаракатлана бошлагач, 130 та янги иш ўрни яратилди.

Ёки бошқа бир мисол. «Орион-Парранда» паррандачилик фабрикаси иқтисодий ночор корхоналар сафига тушиб, банкрот деб эълон қилингач, унга банк томонидан 26 миллион сўмлик кредит ажратилди. Қарангки, ана шу маблағ ҳисобига янгидан ташкил этилган «Орион-Парранда» фермер хўжалиги ишлари ҳам юришиб кетди. Корхона қайта реконструкция қилиниб, 102 та янги ишчи ўрни яратилди. Натижада мазкур фабрика қисқа муддатда молиявий жиҳатдан ўзини тиклаб олди.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг эркинлашуви, ислоҳотларнинг янада чуқурлашувида банкларнинг ўзига хос ўрни бор. Бугун Ўзбекистонда банк тизими мутлақо янги тараққиёт босқичига қадам қўйганлигини юқоридаги оддий мисоллардан ҳам англаш қийинмас. Хусусан, тижорат банклари кун сайин ривожланиб ўз олдида турган муаммо ва ечимларни ҳал этиш орқали хизмат соҳаларини кенгайтириб бормоқда. Жумладан, банк хизматининг бир қатор замонавий ва янада самарали усуллари жорий этилди, кредит бериш ва ҳисоб-китоб ишлари бозор муносабатлари талабларига мос тарзда такомиллаштирилди.

— Кредит сиёсати фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири, — дейди «Пахта-банк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Акром Тўхтаев. — Ҳозирги кунда банк активларининг 32,7 фоиздан кўпроғи кредит маблағларидан иборат. Кредит қуйилмаларининг 228,8 миллион сўми ёки 19,2 фоизи кичик ва ўрта бизнес вакиллари тақдим этган лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган. Кредит бериш пайтида молиявий ҳисоботнинг муҳим жиҳатлари бўлган қарз олувчининг ликвидлиги, унинг иш самарадорлиги коэффициентлари ва фойдалилигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, банк мижозлар томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни баҳолаш пайтида пухта ишлаб чиқилган бизнес режанинг мавжудлиги, лойиҳа мақсади, пул маблағлари оқими режаси ва экспорт имкониятлари алоҳида инобатга олинади.

Жорий йилда банкимиз молиявий аҳволи барқарор бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарига 180,5 минг сўмлик кредит ажратди. Бу маблағлар техника, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғит, нефт маҳсулотлари, емхашак, уруғлик, картошка сотиб олиш ҳамда асаларичиликни ривожлантириш учун ишлатилди. 2000 йилги пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг харажатлари Молия вазирлиги қошида ташкил этилган ҳисоб-китоблар жамғармаси сармоялари ҳисобидан амалга оширилиши банк масъулиятини оширди. Шу боис ажратилаётган аванс маблағларининг қандай ишлатилиши юзасидан назорат кучайтирилмоқда.

Банк бўлимлари томонидан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш, вилоятда тўловлар тизими аҳволини яхшилаш, ўзаро нотўловлар салмоғини камайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, ўтган давр мобайнида иқтисодий самараси 622,5 миллион сўмлик 207 та схемалар ишлаб чиқилди. Бундай схемаларни амалга ошириш учун қарийб 95,7 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилди. Мавжуд тўловларни камайтириш мақсадида Жомбой туманидаги «Зарафшон», Нарпай туманидаги «Зирабулоқ» таъминот корхоналарига «Тошқишлоқмаш» заводидан сотиб олинган техникалар учун 63,3 миллион сўмлик факторинг операцияси қўлланилди. Натижада 204,9 миллион сўмлик дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камайтирилди.

Банк шахсий ресурсларининг ошиши мижозларга катта қулайлик туғдирмоқда. Шу сабабдан ҳам банк жамоаси айнан ушбу йўналишга эътиборни кучайтираяпти. Хусусан, йил бошидан буён корхоналарга шахсий ресурслар ҳисобидан 199,1 миллион сўмлик кредит берилди. Жумладан, «Кишмиш» консерва заводи, «Самарқандконсерва» корхонаси, Ховренко номли шароб ишлаб чиқариш комбинати ана шу кредитлардан фойдаланиб, фаолиятнинг узлуксизлигини таъминладилар.

Ҳозирги кундаги асосий масалалардан бири кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, техника сотиб олиш, чорва ва паррандачиликни ривожлантириш ҳамда уруғлик картошка тайёрлаш миқдорини оширишдан иборатдир. Ана шу мақсадда 335 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Банк томонидан кредитлар қайтарилишини рағбатлантирувчи ҳамда кафолатловчи восита сифатида мониторинг ва иқтисодий таҳлилларнинг мунтазам равишда ўтказиб турилиши ижобий натижаларга олиб келаяпти. Бундай хайрли саъй-ҳаракатлар ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўғри юритилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**А. РАСУЛОВ.**

### Қаҳрамонлар хотираси мангудир

# САДОҚАТ

***Ётоқхонада оддий аскар Улуғбек Албековнинг каравоти бўш турибди. Бўлинма ҳарбий жамоаси кенгаши ҳозирча унга: «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш бўйича хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлди», деган лавҳа илиб қўйишга қарор қилди.***



У. Албеков бошқаларни ўзига эргаштириш билан кифояланмасди. Ўзи бўлинманинг энг яхши аскарлари қаторида бўлишга ҳаракат қиларди. Қўшинларда ёзги ўқув даври учун мажбуриятлар қабул қилиш чоғида жанговар хизмат вазифаларини намунали бажариш, аралаш касбни эгаллаб олиш, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси унвонига эришишни у ўзи учун шахсий марра сифатида белгилади.

Улуғбек командир қўйган жанговар вазифани бажаришда ҳам алоҳида намуна, жасорат кўрсатди. Беаёв жангда ўз азиз жонини аяб ўтирмади. «Ватан учун жон бераяпман. Алвидо, дўстларим!» — ўша аснода унинг ёнида бўлган оддий аскар Юсуф Эшматов ботир жангчининг сўнгги сўзларини аниқ-таниқ эшитди. Қисқа муддат давом этган бу жангда зиммага тушган синовга фақатгина юксак ватанпарварлик, шонли аждодларимизнинг қаҳрамонона ўтмишига ҳурмат-эҳтиром, ўз халқининг ёркин келажагига чуқур ишонч руҳида тарбияланган жангчиларгина бардош бера олишлари мумкин. Ўқитувчилар — Аваз ака билан Турдихон ая Албековлар ўз ўғилларига қалб иликлигини бағишлаб, оиланинг таянчи ва муносиб ҳимоячисини вояга етказишди. Ҳарбий хизмат муддати етиб келганида, Улуғбекнинг ўзи чегара қўшинларига жўнатишни илтимос қилди ва тез орада ёру дўстларини хизматдаги муваффақиятлари билан хурсанд қила бошлади. У яқинда тақдирнинг кутилмаган зарбасини кўтаришига тўғри келди: икки ой муқаддам ота вафот этди. Бу оғир жудоликка ҳам бардош бериб, Улуғбек инисига шундай деб ёзди: «Энди онажонимизни эҳтиёт қилайлик. Хизматдан қайтганимдан кейин ҳаммамиз биргаликда онамизга қувват бўламиз».

Улуғбек қатъиятли йигит эди. Кўнглини ғам-алам қанчалик изтиробга солмасин, у ўз вазифаларини аниқ бажарар, қаерда оғир бўлса, ўша ерда бўлишга интиларди. Командир унинг кундалигига: «Чегара қўшинларида хизмат қилиши билан фахрланади», — деб қайд қилиб қўйган эди. Сўнгги марта дозорга тайинлашганида, гарчи йўналиш бағоят мураккаблиги аниқ бўлса ҳам, оддий аскар Албеков суюниб кетди. Бутун йўл бўйи Улуғбек қуролдош дўстларига намуна кўрсатиб, ҳазил-мутойиба билан улар кайфиятини кўтариб борди. Ундан шеър ўқиб беришни сўрашди ҳамкасблари. Улуғбек назм шайдоси эди.

Қўлимда зангори муқовали ён дафтар. Улуғбек ёзган ўнга яқин шеърни алоҳида бир ҳиссиёт билан ўқиб чиқдим. Шеърларнинг биринчисига бир ой илгариги сана қайд қилинган. У Ота хотирасига бағишланган. Ўн мисралик бу асарда қанчалар қайғу ва қўмсаш, нечоғлик хўрсиниш... Она ҳақида ҳам алоҳида шеър бор. Унинг сатрларига волидаи муҳтарамага меҳр-муҳаббат ва эҳтиром туйғулари йўғрилган. Тўғри, Улуғбек Албеков ҳали қалами қайралган шоир эмасди, айни навқирон палласида, йигирма ёшга тўлишига икки ойгина қолганида у маккор қузғунлар ўқига учради.

Душманлар жазосиз қолмади. Чегарачи жангчилар ҳалок бўлган қуролдош дўстлари учун ўч олишди.

Улуғбек ҳаётни ниҳоятда севарди. У хизмат қилган қисм командирлари ва аскарлари билан суҳбатлашаётиб, буни мен чуқур ҳис қилдим. Бўлинма командири, сержант Ғолиб Каримов жанговар дўсти ҳақида шундай деди:

— Улуғбек виждонли, диёнатли йигит, буйруқларни ўз вақтида бажарувчи интизомли аскар эди. Алоқачи-радиотелеграфист вазифаларини аъло даражада эгаллаб олганди. Ҳамиша хушчақчақ, киришимли эди. Қуролдош дўстларига иш билан ҳам, жўяли маслаҳати билан ҳам ёрдам берарди.

Оддий аскар Шуҳрат Ҳайдаровнинг учинчи ой хизмат қилиши эди. Улуғбек унга устозлик қиларди.

— Биз бот-бот суҳбатлашардик, — эслайди Ҳайдаров. — «Чинакамига хизмат қил, ўз бурчингни виждонан бажар», деб маслаҳат берарди. Асли касбим дурадгорлик бўлгани учун ётоғимиз олдида жангчиларимиз дам оладиган шийпонча қуришга киришиб кетдим. Шунда Улуғбек ака менга ёрдам берди. Ҳозир биз ўша шийпончада ўтирибмиз.

**Майор Шоёнбек КАРИМБОЕВ.**

# ЎЛМАС МЕРОС СОҲИБИ

Қорахонийлар сулоласи даврида Фарғона водийси, хусусан, Қорахонийлар пойтахти бўлган Ўзган, Ўш, Марғилон каби шаҳарлардан талайгина ҳуқуқшунос-фақиҳ алломалар етишиб чиқдилар. Булардан энг машҳури «Китаб ал-Ҳидоя» асари муаллифи Бурҳониддин Марғинонийдир. У имом, қонуншунос бўлган. Ҳадислар билан шуғулланган. Қуръонни ёд билган ва унга шарҳлар ёзган. Илмларни йиғган ва муайян фан тизимига келтирган. Ниҳоятда зукко, синчков тадқиқотчи, художўй пок инсон бўлган. У фан ва адабиётда тенги йўқ ҳуқуқшунос, адабиётшунос ва шоир эди.

Ал-Марғиноний ёшлигиданоқ илмга чанқоқлиги, изланувчанлиги натижасида Ҳанафий мазҳабининг буюк фақиҳи (ҳуқуқшуноси) даражасига кўтарилди. Фанга қизиқиш уни ўз шаҳридаги олимларнинг илмини эгаллагандан сўнг Самарқанд, Бухоро каби Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларига сафар қилишга ундади. Ҳижрий 544 йилда (мелодий 1149 й.) ҳаж сафарини қилдилар ва Расулуллоҳ С.А.В. равзаи муборакларини зиёрат айладилар. Сафар чоғида ҳам кўплаб олимлар билан учрашиб, улардан таълим олдилар.

Алломанинг юксалиши ва номи тарихда қолиши сабабларидан бири ота-боболарининг таниқли фақиҳлардан бўлганлигидир. Шунингдек, фарзандлари ҳам ўз замонасининг таниқли уламолари бўлган. Ўғли Муҳаммад бин Соҳиб ул-Ҳидоя отасининг ёнида улғайди, илм ва адабиётда отасидан таълим олди. Ўз замонасида мазҳаб уламоларининг раиси бўлди. Фиқҳ илмини ҳам отасидан ўрганди. Ҳамаср бўлган уламолар унинг илмда ва доноликда пешқадамлигини тан олишган. Умар бин Соҳиб ул-Ҳидоя Шайхул-Ислом Низом уд-дин ал-Фарғоний ҳам акаси каби отасидан фиқҳ илмини ўрганди. Ўзининг фатволарида отасига таянарди. Унинг «Жавоҳир ул-фиқҳ», «Фавоид» ва бошқа асарлари маълум. Имомиддин бин Абу Бакр ҳам отасидан ва Заҳириддин ал-Бухорийдан таълим олди. Унинг «Адаб ул-Қози» асари маълум.

Олимнинг улуғ фақиҳ бўлиб етишишида шариат назариётчилари Абу Ҳанифа, Муҳаммад аш-Шайбоний, айниқса, Имом ал-Қудурийларнинг фиқҳ илмида жуда мўътабар ҳисобланадиган манбавий асарлари асосий сабаб бўлган. Бу ҳақда муаллиф «Бидоятул-Мубтадий» асари муқаддимасида шундай деб ёзади:

«Ёшлик чоғимда фиқҳ илмининг барча турларини — ўз ичига қамраб олган ҳажми кичик, кенг қамровли бир китоб бўлса, деб юрардим. Иттифоқо сафар жараёнида ал-Қудурийнинг «Ал-Мухтасар»ини — қисқа, мазмунли, ажойиб, чиройли китобини топдим. Мовароуннаҳрдаги замона улуғлари катта-кичикни «Жомий ас-Сағир»ни ўрганишга чорлаганликларининг гувоҳи бўлдим. Ўшанда ҳам иккала асарни бирлаштиришни ўз олдимга мақсад қилиб, зарурат сезилмаган чоғда уларнинг чегарасидан чиқмасликка қарор қилдим. Сарчашмаларининг кўплиги ҳамда каттаю кичик бу китобга қизиқиши учун ҳамма аҳамият берадиган жойларни диққат билан пардоз бердим ва уни «Бидоят ул-Мубтадий («Бошловчининг бошланғич китоби») деб номладим. Агар бу асарни шарҳлашга муваффақ бўлсам уни «Кифоят ул-мубтадий» деб номлайман, чунки ибтидо тартибларни билиш учун, интиҳо (ниҳоя) эса маъноларнинг мағзини чақиш билан бўлади. «Жомий ас-Сағир»нинг тартибини яхши деб топдим, натижада ҳурмат юзасидан Муҳаммад бин Ҳасан аш-Шайбонийнинг тартибига асосландим. «Жомий ас-Сағир»да бўлмаган масалаларни «Байъ» китобидан олдим, ундан кейингиларини тўплам орасига киритдим. Мос-мосини тўплашда, иқтибос келтириш учун изланишда қийинчиликларни бошдан кечирдим. Оллоҳ буни тўлиқ қилишимга муваффақ қилгуси ва ниҳоясига етказишимга ёрдам бергусидир». Сўнг олим уни шарҳлашга муваффақ бўлди ва уни «Кифоятул мунтаҳо» деб номлади. У саккиз жилд эди. Толиби илмлар бу саккиз жилдни ўқишга кўп вақтларини сарф қилишини, ундан изланган масалани топиш бироз мушкулроқ эканлигини билгач, иккинчи маротаба бутун мавзуни қамраган тўлиқ, фойдали, қисқа шарҳ ёзишга киришди. Уни «Ал-Ҳидоя» деб номлади.



«Ҳидоя»ни муаллифи билан биргаликда биринчи бўлиб Шамсулимма ал-Кардорий ўқиб чиқди. Уламолардан катта гуруҳи бу китобга алоҳида аҳамият бериб, уларнинг кўпи «Ҳидоя»га ҳошия битдилар ва шарҳладилар. Тадқиқотчилар Марғинонийнинг шоҳ асарларидан бири «Ал-Ҳидоя»нинг машҳур бўлиб кетиши сабабларини бу китобларда берилган қозилар учун кифоя қилувчи назарий қарашлар, фатволар, ҳукмларнинг қисқа, лўнда ва ниҳоятда чиройли шаклда камолига етказиб берилганлигида деб билишади. «Ал-Ҳидоя» ўрта асрларда ҳам, ҳозирги кунда ҳам нафақат шариат қомуси, қонун чиқариш асоси, балки умуман ҳар қандай ҳуқуқий таълим ва таҳсилнинг ибтидоси сифатида шариатдаги барча мазҳаблар учун ҳам андоза манбаидир.

Шундай қилиб, Марғиноний ёзган тўрт жилдли «Ал-Ҳидоя» китоби энг мўътабар ҳуқуқий қўлланма сифатида саккиз асрдан буён бутун ислом дунёси, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, Туркия ва Араб мамлакатлари учун энг ишонарли манбалардан бири бўлиб келмоқда.

«Ал-Ҳидоя»нинг форс тилидаги таржимасидан ташқари, инглизча, русча таржималари ҳам мавжуд. Чарлз Хамилтон томонидан Лондонда 1791 йили инглизча таржимаси нашр этилган. Унинг рус тилига таржима ва нашри 1893 йили Тошкентда амалга оширилган. Профессор А. Саидов томонидан кейинчалик «Ўзбекистон» нашриётида 1893 йилдаги нусхасининг 1-жилди қайта нашр қилинди.

«Ал-Ҳидоя» нафақат мусулмон ҳуқуқшунослари, балки Европа ҳуқуқшунос олимлари учун ҳам эътиборли ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. Маълумотларга қараганда, ушбу асарга 60 та шарҳ ёзилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти фондида Марғиноний асарларининг 90 дан ортиқ қўлёзма нусхаси мавжуд, шулардан 83 таси «Ал-Ҳидоя» нусхаларидир.

Абу Тоҳирхожа «Самария» асарининг Самарқанд шаҳрининг олий аркидан ташқарида бўлган сербаракот мозорлар бобида аллома дафн қилинган жой ҳақида қуйидагини келтиради: «У киши ҳижрий 593 йил сешанба кечаси 14-Зулҳижжа ойи (1197 йил 29 октябр) да ёруғ дунёдан тупроқ маҳалласининг қоронғулик хонасига кўчди, унга Тангрининг раҳматлари бўлсин. Бурҳониддин Марғинонийнинг қабри Чокардиза қабристонида, катта кўчанинг кун ботари ҳовузига ўхшаган чуқурнинг ёнида, шу катта йўл ўша ҳовуз орқали Шарқий-шимолга қараб ўтади. Чокардиза қабристони шаҳар ичида, кунчиқар томонда, шаҳарнинг бир чеккасидир».

Мўътабар заминимиздан етишиб чиққан алломалар ҳаётини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг саъй-ҳаракатлари ва қолдирган бой маданий-маънавий мероси туфайли ўз даврида ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг ва амалий малакали ҳуқуқшуносликка оид руҳият, маданият шаклланган. Улар ҳаётини, асарларини чуқур ўрганиш, оммага маълум қилиш замонавий, ҳуқуқий маданият, маънавиятни шакллантиришда, ўстириш, фаоллаштиришда самарали бўлиши шубҳасиз.

**Масъудхон ИСМОИЛОВ,**
**Бекназар МАМАШУКУРОВ,**
**Ўзбекистон Миллий Университети магистрантлари.**

***Кўнглига осмонталаш тоғлардай улуғ ниятни боғлаган Анваржон ҳозир 15 ёшда. Шўрчидаги 21- умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси. Қадди-басти келишгангина шўх-шодон ўсмир.***

***У хаёлпараст эмас. Боксёрлик қўлқопи бор. Бир тўп қилиб деворга михланган қоғозларни муштлайди. Ичига қум тўлдирилган халтача билан машқ қилади.***

# ДИРЕКТОР... ҚАРАБ ТУРМАЙДИ

— Устозим... йўқ, — дейди у ўзининг жавобидан ўзи хижолат тортгандай бўлиб. — Мактабимизда... тўгарак ҳам йўқ.

— Ўзинг тенгилар-чи. Уларнинг ичида бордир боксга қизиқиб сенга қўшилиб машқ қилаётганлари? — деб сўраймиз.

Бу саволга ҳам Анвар елка қисиб қўйди ва беихтиёр мактаб директорига — Бахтиёр Бердиқуловга қаради.

— Спорт залимиз бор. Яхши жиҳозланган, — деб гап бошлади Бердиқулов ҳозирги ҳолатдан нималарнидир англагандай бўлиб. — Спорт тўгаракларининг тузилмагани — бизнинг камчилигимиз. Анварнинг боксни яхши кўришини, тўғриси, энди эшитаяпман. Биз... қараб турмаймиз.

Тумандаги «Бўстон» маҳалласидан Зоҳид Турдиев деган йигит бўлса қишлоғидан 6 та ўсмирнинг бошини бириктириб, кураш тўгарагини тузди. Шу олтовлоннинг кўзлагани — Олимпиада. Тўгарак машқ ўтказмоқ учун 3-мактабнинг спорт залини ижарага олди.

— Тўгаракнинг ишига ўқувчиларимизнинг қизиқиши ортиб қолди, — дейди мактаб директори Турсунбой Меҳмонбоев. — Спорт учун жисмоний тарбия дарсларининг ўзи кифоя деб қарашимиз тўғри эмас экан. Ўн-ўн бешта спорт тўгарагини ташкил қилсак ҳам камлик қилар экан. Биз ҳам... қараб турмаймиз.

Шўрчида 40 мингга яқин ўқувчи бор. 40 минг хил навқирон орзулар, ниятлар. 40 минг хил дунё. Иккита директор ҳам тўғри айтди. «Уларнинг ҳеч бирига четдан қараб туриб бўлмайди».

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БАКАЛАВРЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га биноан олий таълимнинг бакалавриат ҳамда магистратура йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Икки босқичдан иборат бундай янги тизим Тошкент кимё-технология институтида ҳам биринчилардан бўлиб йўлга қўйилди.

Кимё ва озиқ-овқат саноати учун малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат таълим андозалари ишлаб чиқилди. Унда ўқув-тарбия жараёнининг мазкур янги соҳасидан дарслик ва қўлланмалар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу изланишлар ижобий натижаларини бермоқда.

«Кимё ва озиқ-овқат саноатларининг жараёнлари, қурилмалари фанидан ҳисоблар ва мисоллар» деб номланган ўқув қўлланма бакалаврларга мўлжалланган дастлабки нашрлардан бири бўлди.

**Акбар АЛИЕВ.**

# БЕШ ҚИТЪА ДАРАКЛАРИ

## ЮГОСЛАВИЯДА ПРЕЗИДЕНТ ЎЗГАРДИ

Кеча серб мухолифат лидери Воислав Коштуница Югославия президенти вазифасини бажаришга киришажагини эълон қилди.

Сербия демократик мухолифати етакчиларидан бири Зоран Жинжичнинг сўзларига қараганда, айни пайтда С.Милошевич ўзига яқин бир неча киши билан Белграддан тахминан 100 километр олисдаги Бор шаҳри яқинида жойлашган бункерда жон сақлаётир. Айрим маълумотларга қараганда, С.Милошевич шу ердан туриб армияни ва ўз тарафдорларини оёққа турғизишга уриниб кўрмоқчи.

В.Коштуница Югославия бундан буён халқаро сиёсий майдонда фаол иш юритишини маълум қилди. У, шунингдек, тузилажак янги ҳукумат раҳбарлигига Черногория социалистик халқ партияси вакили тайинланишини ҳам айтди. Бу билан у расмий Белград Черногорияни Югославия иттифоқи таркибида қолдиришга интилишига шаъма қилди.

## ҚОНУН БЕКОР ҚИЛИНДИ, АММО...

Куни кеча Европа Иттифоқи суди қитъада тамаки маҳсулотлари рекламасини таъқиқловчи қонунни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Аммо мазкур қарор кўпгина Европа давлатлари, жумладан, Буюк Британия ҳукуматининг норозилигига сабаб бўлди. Нима бўлганда ҳам, бу қарор лейбористлар ҳукуматининг Буюк Британияда тамаки рекламасини таъқиқлаш ҳақидаги қарорига таъсир қилмайди, дейишмоқда мамлакат мулозимлари.

## ПАСТРАНАНИНГ ЯНГИ РЕЖАСИ

Колумбия Президенти Андрес Пастрана наркотик ишлаб чиқариш ва контрабандасига қарши кураш бўйича "Колумбия режаси" деб аталган махсус операциялар мажмуини эълон қилди. Операциялар мамлакат армияси томонидан амалга оширилади. "Колумбия режаси" бўйича заҳарли гиёҳ етиштириладиган майдонларни йўқотиш, наркотик билан савдо-сотиқ қилувчи жиноий гуруҳларни фош этиш, хуллас, наркомафия пайини қирқиш кўзда тутилган.

А.Пастрана тузган режани биринчи галда АҚШ ҳукумати тўла қўллаб-қувватлади. Ҳатто, мазкур операцияларни қўллаб-қувватлаш учун 1,3 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратди.

## НАВБАТДАГИ МЎЛЖАЛ — 70 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Украина мамлакатда кўмир саноатини ривожлантириш учун Жаҳон банкидан 70 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз олишни мўлжаллаб турибди. Украина бош вазири Виктор Юшченко Жаҳон банки ижрочи директори Жеймс Вулфенсон билан мазкур масала юзасидан фикр алмашди. Шу пайтга қадар Жаҳон банки Украинанинг турли эҳтиёжлари учун 2,02 миллиард доллар ажратган.

## МУЗОКАРА ЎТКАЗИЛМАС ЭКАН

Шри-Ланка президенти Чандрика Камаратунга ҳукумат тамил исёнчилари билан бошқа музокара ўтказмаслигини айтди. Маълумки, у Норвегия ташқи ишлар вазирлигининг можарони ҳал этишда воситачилик қилиш ҳақидаги таклифини рад этганди. Унинг таъкидлашича, бу можаро ҳарбий йўл билан ҳал этилмоғи лозим.

## ИНСОНПАРВАР ЛОЙИҲА

Буюк Британия Россия, Украина ва Беларус билан ҳамкорликда Чернобил инсонпарварлик тадқиқоти лойиҳаси устида иш бошлади. Лойиҳага Европа комиссияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва яна бир қанча ташкилотлар ҳомийлик қилаётир. Ҳомийлар лойиҳа учун 800 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган.

## БОШПАНАСИЗЛАР СОНИ 120 МИНГ

Қозоғистондаги "Бошпана" жамоатчилик уюшмаси мутахассисларининг ҳисоб-китобига кўра, Алматида 120 минг нафар бошпанасиз бор. Уларнинг сони бундан ҳам ортиши мумкин. "Бошпана" бош директори Е.Маликовнинг билдиришича, аҳолининг кам таъминланган ва уй-жойга эга бўлмаган қисмига имкон қадар ёрдам бериб келинмоқда. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Бугунги кунда уюшма мазкур муаммоларни ечиш мақсадида чет эл сармоясидан фойдаланишни кўзлаб, Буюк Британия, Голландия, Дания каби давлатлардаги мурувват кўрсатиш муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**







# Олқиш олган соҳибкор



*Қибрай туманидаги Ризамат ота Мусамуҳамедов номли ширкат хўжалигида илғор бригада етакчиси Жамол ака Жўраевни каттаю-кичик ҳурмат қилади. Сабаби, уста соҳибкор 22 йилдирки, ушбу жамоада баракали меҳнат қилиб, олқиш олиб келаяпти. Жамол ака етакчилигидаги боғбонлар уч-тўрт йил ичида 96 гектар ерда янги боғ барпо этгандилар. Бултур яхши ният билан экилган ниҳоллар шиғил ҳосилга кирди. Меҳнатда эришган улкан муваффақиятлари учун соҳибкорлар етакчиси «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.*

*Бу йил ҳосилдорлик ўтган йилгидан-да зўр бўлди. Давлатга 425 тонна олма, узум, олхўри топширилди. Ҳали боғларда шарбат тўла мевалар мўл. Бригада аъзолари айни кунларда яна 50 тонна мева ва узум тортиқ этиб, эл-юрт дастурхонини янада файзли қилишга бел боғлашган.*

**СУРАТЛАРДА: соҳибкорлар етакчиси Жамол Жўраев олхўри ҳосилидан мамнун; мева ва узум ана шундай улкан идишларда сақланади.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# «АМУДАРЁ» ЎЗ БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ

*Нукусда жаҳон андозалари асосида барпо этилган «Амударё» соғломлаштириш мажмуи фойдаланишга топширилди. Унда бир неча юз кишининг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Сузиш бассейни илғор мамлакатлардаги спорт иншоотларини эслатади. Чунки «Амударё»ни қуриш чоғида Германия технологиясидан, ускуналаридан фойдаланилди.*

*— Бу ажойиб спорт иншоотини бунёд этиш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Қорақалпоғистондаги бошқармаси билан биргаликда 100 миллион сўм сарфладик, — дейди «Бизнес-фонд»нинг Қорақалпоғистон бўлими раиси Абдунаим Атаниёзов. — Бундай хайрли ишларни янада давом эттиришни режалаштиряпмиз.*

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Обуна-2001

# «МУЛОҚОТ» — ФИКРЛАР МАЙДОНИ

«Мулоқот» журналининг энг диққатга сазовор жиҳати шундаки, унда республикамизнинг фаол ва таниқли олимлари, мутахассислари билан биргаликда оддий замондошларимиз ҳам ўз фикрини, юрак сўзларини изҳор этишмоқда. Илк сонидан ҳурлик ва озодлик жарчиси сифатида майдонга келган бу нашр мустақилликни мустаҳкамлаш, умуммиллат ва Ватан манфаатлари йўлида фидойилик билан иш юритди. Мустамлакачилик йиллари хўрланган ва камситилган тарихимизни, улкан маънавиятимизни, қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилди ва ўтган қисқа даврда журнал ўз ўқувчисини топди.

Ёшларни маънавиятга, меҳр-оқибатга, вафо ва садоқатга, эътиқодли бўлишга чорлаган «Мулоқот» ана шу тарзда ижтимоий фикр майдонига айланди. Зеро, жамиятда келажакка интилган ҳар бир инсон албатта, аниқ бир ғоя, фикр билан яшайди, уни амалга оширишга интилади. Бу ғоянинг, фикрнинг умумийлиги, шахсларни, миллатни, халқни бирлаштириш учун хизмат қилади.

«Мулоқот»нинг бу йилги сонларида шарқнинг буюк фарзандлари Абу Мансур ал-Мотуридий, Мирхонд, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Убайд Зоконий, Рабғузий, Саккокий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Абул Қосим Ҳаким Самарқандийлар ҳақида қизиқарли мақолалар чоп этилди. Журналхонлар «Мавхаз аш—Шариъф» («Шариатларнинг манбаи ва софлиги»), «Ҳидоя», «Равзатус-сафо», «Лисонут тайр», «Қиссасул анбиё», «Баҳрул асрор» («Сирлар денгизи») ва «Рисолаи ат-таърифот» сингари буюк асарлар маърифатидан баҳраманд бўлдилар.

«Мулоқот»нинг ўн йиллиги нишонланадиган 2001 йилдан умидимиз катта. Янги йилда чоп этиладиган сонларда халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган мақолалар билан бирга инсонпарвар жамият ва баркамол шахс, ҳуқуқий мерос, маънавият ва мафкура, илм ва эътиқод, маърифат ва камолот ҳақида баҳс ҳамда мунозаралар эълон қилади. Шунингдек, табаррук сиймолар Абдурауф Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар Қори, Маҳсуд Шайхзодалар ҳаётига оид янги маълумотлар бериш билан бирга истиқлол учун хизмат қилаётган юртдошларимиз ҳақида қизиқарли лавҳалар бериб боради.

Ҳар қачонгидек, ҳалол ва фидойи бўлиш, мамлакатда рўй бераётган бунёдкорлик, тинчлик ва осойишталик, Юртбоши ва она заминга садоқат, халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган, экстремизм ва халқаро терроризмни қораловчи мақолалар билан бирга умуминсоний қадриятлар ҳақида ҳам суҳбатлар ўқийсиз.

**Нашр кўрсаткичларимиз:**
**Якка обуначилар учун —844.**
**Ташкилотлар учун — 845.**

**Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Мулоқот» журнали масъул котиби.**


КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР
ҲАР ХИЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН НОВВОЙХОНА УСКУНАЛАРИ.
ҚУРИТИШ УСКУНАСИ
МЕВА ВА САБЗАВОТ, МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАР УЧУН.
ҲАММОМ ИСИТГИЧИ (САУНА)
МИНГ ХИЛ ДАРДГА ДАВО.
ҲАВО НАМЛАГИЧИ
ХОНАДОН, КАСАЛХОНА ВА БОҒЧАЛАР УЧУН.
КАЛОРИФЕРЛАР
ҲАР ХИЛ ҚУВВАТДАГИ.
СОЯ СУТИ ҲАМИША СОТУВДА.
НИХРОМ СИМЛАРИНИ, ВЕНТИЛЯТОРЛАР ВН-1,ВН-2 СОТИБ ОЛАМИЗ.
ТЕЛ.(3712) 793854,792523,791570,791429.



***«Равшан» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Омил-таомсавдо» шўъба корхонаси тугатилади. ОКПО коди 17128218. Барча даъво ва эътирозлар икки ой ичида қабул қилинади. Тел: 47-03-06.***


Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазирлик котибияти бошлиғи К. Шониёзовга отаси **Карим ШОНИЁЗОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси жамоаси Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг собиқ раиси **Ибрагим ҚЎЧҚОРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари, Иқтисодий тарих кафедраси доценти Низомиддин Ўрмоновга падари бузруквори **ТЎЛАГАН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

# ЎЗИ КЕТДИ...

*Қулунларим, беташвиш, бедард болалар*
*Кипригига қўндирмаган гард болалар,*
*Ота-ерга қалқон бўлган мард болалар*
*Оталар сорлочин, асраб, ўзи кетди.*

*Ғирот бўлмоқ орзусида чопганларим,*
*Киндик қони томган ерни ўпганларим.*
*Оналари тилаб-тилаб топганларим,*
*Оналар оқсочин асраб, ўзи кетди.*

*Синглим деса юраклари куйганларим,*
*Сингилларни кўз устига қўйганларим,*
*Куёв тўнмас, тупроқдан тўн кийганларим,*
*Сингиллар гул тожин асраб, ўзи кетди.*

*Сиз ҳаммани асрадингиз, шунқорларим,*
*Сизни асролмадик, шундан кўнгил ярим.*
*Жаннати ҳур-ғилмонларга қовуштириб,*
*Унда сизни асрагайдир Оллоҳ Карим.*

*Бунда қолган барча сиздан куч олади,*
*Қасос қанот бўлса ер ҳам учолади.*
*Ҳар бир ота Мангуберди бўлар энди,*
*Ҳар бир сингил Тўмарисдай ўч олади!*

*Қулунларим, ёв инига ўт кетди денг,*
*Эркнинг қашқирлари мажруҳ, мот кетди денг,*
*Ҳар бирингиз учун мингин ер ютмаса,*
*Кўнглимизда Машҳаргача дод кетди денг!*

*Қулунларим, беташвиш, бедард болалар!*

## ҲИКМАТ

*Сув қадрини даштда юргандан сўра.*




**Хиросимада бўлиб ўтган Осиё ўйинлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Стадионни қитъамизнинг турли бурчакларидан келган мухлислар лиқ тўлдирган. Бош ҳакамнинг финал ўйини тугаганлиги ҳақидаги ҳуштаги янграcourtesy. Ғолиб жамоа аъзолари бир-бирини қутлаш билан банд. Бироқ уларнинг биттаси худди ҳужумга чоғланган футболчи каби тез чопиб кетди. Зум ўтмай яна қайтиб чиқди ўша йигит. Энди унинг қўлида байроқ бор эди — Ўзбекистон байроғи. Музаффарлик туғини баланд кўтариб стадионни икки марта айланган бу футболчи Шуҳрат Мақсудов эди. 1994 йилги ҳаяжонли онларни ёдингизга солишдан муддаомиз бор, албатта.**

# КУНЧИҚАР ЮРТДАГИ ҒАЛАБАНИ СОҒИНДИК

Ўшандан бери Миржалол оширган тўпни Игор ёки Азамат рақиб дарвозасига қойилмақом қилиб киритишини интизорлик билан кутамиз. Ўшандан бери терма жамоамиз майдонга тушса, ишқилиб бугун чиройли ўйнасинлар-да, деб юрак ҳовучлаб ўтирамиз. Ўшандан бери «қайноналардан қолган тошойналар» синиши, катта боболардан қолган тоғораю челаклар даранг-дурунги эшитилади ҳақиқий ишқибозлар хонадонидан.

Шу ҳолатда 1999 йилнинг ноябр ойига етиб келдик. Нигоҳимиз телевизорга — Бирлашган Араб Амирликларидан олиб берилаётган ўйинларга қаратилган. Ҳартугул, бу сафар йигитларимиз ишончни оқлашди. Терма жамоамиз саралаш гуруҳидаги барча рақибларни мағлуб этиб, XII Осиё кубогининг финал босқичига йўлланма олди.

Хўш, 12 октябрда бошланадиган қитъа кубоги баҳсларига терма жамоамиз қандай тайёргарлик кўрди? Ливан яшил майдонларида мухлисларимиз жамоамиз таркибида қайси футболчиларни кўришлари мумкин?

Асосий таркибдан жой олишга номзод бўлган 30 нафар футболчи 25 сентябр куни Юрий Вазгенович бошчилигида «Нефтчи» жамоасининг «Водил» дам олиш оромгоҳига тўпланишди. Улар орасида М. Қосимов, П. Бугало, М. Шацких, Н. Ширшов, А. Акопянц, Д. Файзиев, А. Фёдоров каби легионерларимиз ҳамда миллий чемпионатимизда чиройли ўйин кўрсатаётган Ф. Давлетов, У. Исоқов, С. Лебедев, И. Шквирин, В. Баранов, М. Қурбонов, Ж. Ирисметов сингари чарм тўп усталари бор. Асосий ўқув машғулотлари ҳам шу ернинг ўзида бўлиб ўтди. 4 октябр куни терма жамоамиз «Нефтчи» билан синов беллашувини ҳам ўтказди. Эртага эса «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон ва Туркманистон миллий терма жамоаларининг халқаро ўртоқлик учрашуви бўлади.

Юрий Саркисяннинг гапларига қараганда, ана шундан кейингина Ливанга борадиган 22 нафар футболчимизнинг исм-шарифлари маълум бўлади.

***XII Осиё кубоги баҳслари 12 октябр куни Сайда шаҳрида Ироқ ва Таиланд терма жамоалари учрашуви билан бошланади. Мамлакатимиз термаси эса 14 октябрда майдонга тушади. Ўша куни дастлабки учрашув Катар футболчиларига қарши ўтказилади. Гуруҳдаги қолган рақибларимиз — Япония термаси билан 17 октябр, Саудия Арабистони футболчилари билан 20 октябр куни баҳслар бўлиб ўтади. Гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўлланма оладилар.***

Таъкидлаш жоизки, кубок баҳсларида уч гуруҳга бўлинган 12 та жамоа беллашади. Шунинг учун ҳам гуруҳларда энг яхши натижа кўрсатган 2 та учинчи ўрин соҳиби ҳам чорак финалга чиқади. Фикримча, терма жамоамизнинг нафақат кейинги босқичга чиқишига, балки Хиросимадаги ғалабани такрорлашга имкониятлари бор.

Бунинг учун эса ҳар бир вазиятдан унумли фойдаланиб тўп суриш, яшил майдонга чиқаётган футболчилар ўзбек халқи номидан ўйнаётганини ҳис қилиши ва бор кучини аямаслиги талаб этилади, холос.

Биз чарм тўп усталаримиздан шиддатли, энг асосийси, ғолибона ўйинлар кутиб қоламиз.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Д. МИХАЙЛОВ**
**олган сурат.**

# МУОЛАЖАНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

***Самарқанд вилоят травматология ва ортопедия-жарроҳлик шифохонаси умуртқа жарроҳлиги бўлимида янгилик яратилди. Бу ерда ҳозир инсонларни бир умрга тўшакка михлаб қўйиши мумкин бўлган бўйин ва бел остеохондрози, скалеоз (букрилик) касалликлари муваффақиятли операция қилиняпти. Шунингдек, умуртқа поғонаси синган беморлар махсус мослама ёрдамида жуда қисқа муддатда оёққа турғазилмоқда.***

***Ихтиролар муаллифи, умуртқа жарроҳлиги бўлими мудири Саидқосим ПАРДАЕВ билан суҳбатимиз ҳам шу хусусда бўлди.***

**— Саидқосим ака, суҳбатимизни сиз яратган махсус мосламадан бошласак. Хўш, бу аппаратнинг ҳозиргача мавжуд анъанавий мосламалардан фарқли томони нимада?**

— Бу мосламани яратиш фикри менда анча илгари пайдо бўлганди. Лекин амалиётда буни тўғридан-тўғри қўллаёлмагандим. Талабалик давримдаёқ умуртқа касалликлар ҳақидаги қўлланмаларни кўп ўқидим, назарий билимимни ошириб бордим. Қишлоғимизда бир амаким узоқ вақтдан буён тўшакда ётарди. Унинг умуртқаси синган эди, гипслаcа, баттар азоб тортарди. Мен ана шу одамни оддий йўл билан даволаш ҳақида кўп ўйлардим. Ва ниҳоят, соддагина аппарат ясаб, амакимнинг оёққа туришида ёрдамлашдим. Шу изланишларимни давом эттириб, 1992 йилда умуртқа поғонасини тик тутадиган, ҳаракатланиш учун жуда қулай бўлган мослама яратдим.

## Соғлом авлод йили



Ҳақиқатан ҳам умуртқа поғонаси билан боғлиқ касалликлар ҳозирги замон тиббиётининг мукаммал ўрганиши лозим бўлган масалаларидан бири бўлиб турибди. Чунки хоҳлаймизми-йўқми, бошқа хасталиклар каби ҳаётда умуртқа поғонаси шикастланиши ҳам учраб туради. Бундай жароҳатларни даволаш осон кечмайди. Айниқса, у асоратли бўлса. Биз ихтиро қилган мосламанинг қулайлиги шундаки, умуртқаси синган бемор амбулатория шароитида даволашга ўтказилади. Аввалари бундай беморлар 2 ойгача шифохонада, кейин 3-4 ойлаб уйда, тўшакда ётарди. Ногиронликка келсак, эски даволаш услубида 60-90 фоиз беморда жиддий асорат қолган. Ҳозир эса ногиронлик атиги 12 фоизга боряпти. Бу мосламани ясашнинг ҳеч қандай мураккаб томони йўқ. У дуралюминдан тайёрланади. Бундан ташқари, мосламада ҳаво тўлдириладиган камера мавжуд.

**— Мосламани оммавий равишда ишлаб чиқариш ҳақида нима дея оласиз?**

— Тўғриси, ҳозир фойдаланаётган аппаратларимизни ўзимиз усталар ёллаб, қўлда ясаяпмиз. Фойдаланаётган мосламаларимиз давлат стандартларига жавоб бермайди, қисмлар тўғри келган материалдан тайёрланяпти. Ҳозир мосламанинг биттаси 7 минг сўмга тушяпти. Кўриниб турибди, бу анча қиммат. Қани энди мослама ясаб, кўпайтиришга кўмак берадиган ҳомий топилса.

**— Самарқандда шошилинч тиббий ёрдам маркази очилганди...**

— Саволингизга тушундим. Аппаратни ўша ерда қўлласа бўлмайдими демоқчисиз, назаримда. Жуда яхши бўларди. Ҳозир бизнинг бўлимимизга нафақат вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказидан, балки шифохоналардан, қўшни вилоятлардан беморлар кўчириб келтириляпти. Имкон қадар уларнинг соғлиғини тиклашга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозирча республикамизда айнан ана шу касаллик билан шуғулланувчи мутахассислар камлигини ҳисобга олиб, шифохонамизни кенгайтириш режалаштирилмоқда. Баъзи шифохоналарда умуртқа поғонаси синган беморларни ҳозир ҳам жарроҳлик йўли билан даволашаётир. Мақтаниш эмас-у, бизнинг даволаш усулимизни эшитганлар операцияга норози бўлиб беморларини бўлимимизга келтиришяпти.

**— Остеохондроз касаллигининг замонавий даволаш усули ҳақида ҳам гапирсангиз.**

— Жуда кўп дуч келганман, кўпчилик одамлар бел остеохондрози билан оғриб, радикулит ташхиси остида невропотологларда даволанади. Бунда кўпчилик ҳолларда дори-дармонлар самара бермайди. Бел оғриғи кучайиб, вақт ўтган сайин тана букчая боради, оғриқ зўраяди. Бу хасталикни биз жарроҳлик йўли билан даволаяпмиз. Натижадан хурсандмиз, негаки 90 фоизгача бўлган беморларда ҳеч қандай асорат қолмасдан, соғайиб кетяпти. Операциядан чиққан аксарият беморлар 4-5 кунда оёққа туряпти.

Ўтган йили шифохонамизда 200 нафар беморни ана шу йўл билан операция қилдик. Эътибор берадиган бўлсак, шулардан 26 фоизи бошқа вилоятлар аҳолиси экан. Бўйин остеохондрозига чалиниб, 5-10 йиллаб оёқ-қўли фалаж бўлиб қолган беморларни ҳам операция йўли билан даволаяпмиз. Натижаларимиз чакки эмас, оёқ-қўллари ҳаракатга келиб, уйларига хурсанд бўлиб кетаётганлар жуда кўп.

Ютуқларимизнинг энг сараси скалеоз (туғма умуртқа қийшиқлиги) касаллигига даво топганимиз бўлди. Бу хасталик кўпроқ болалар ўртасида учрайди. Бўлимимизда Ўзбекистонда биринчи бўлиб скалеозни операция қилдик. Ахир шу дардга чалиниб, майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар оз эмас эди-да. Лекин ҳанузгача бу касалликка даво борлигини билмайдиганлар учрайди. Биз уларнинг ҳам дардидан халос бўлишига ҳиссамизни қўшамиз деган умиддамиз.

**— Демак, натижа кутилганидан яхши. Энди режаларингиз ҳақида.**

— Мамлакатимизда умуртқа поғонаси шикастланган, скалеоз, остеохондроз каби касалликларга чалинган юзлаб, минглаб беморлар бор. Биринчи галдаги мақсадим Ўзбекистонда ҳеч ким умуртқа поғонаси синиши билан тўшакда ётмаслигига эришиш. Ўйлашимча, бунга унча кўп қолмади. Мен юқорида умуртқа касалликларини даволашнинг янги усуллари ҳақида гапирдим. Лекин бизнинг тажрибаларимиз асосан вилоятимизда амалиётга жорий қилиняпти. Биз яратган мослама бирорта корхонада кўпайтирилса, айниқса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Халқимизнинг саломатлиги учун зарур таклиф эътиборсиз қолмаслигига ишонаман.

***«Халқ сўзи» мухбири***
***Абдурасул САТТОРОВ***
***ва журналист***
***Манноб ИБОДУЛЛАЕВ***
***суҳбатлашди.***



# ХУШБЎЙ ЗИРАВОРЛАР

Йилнинг барча фаслларида ҳам дастурхонингизда хушбўй, мазали зираворлар бўлишини истасангиз ўз ер участкангизда райҳон, жамбил, кашнич, ялпиз, сариқ чой каби хушбўй, доривор, зиравор ўсимликларни экиш керак. Улардан баҳор, ёз ва куз фаслларида табиий ҳолда фойдаланилса қиш фаслида қуритилганидан овқат тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Зираворлар эрталаб ҳаво очиқ кунлари ҳар бири алоҳида терилиб, бегона ўтлардан ва ифлосликлардан тозалаб соя жойларда қуритилади. Зираворларнинг барги, гули ва нозик ён шохлари плёнка ёки бошқа мато устига ёйиб, дока билан ёпган ҳолда қуритилади.

Мабодо зираворларни қуёшда қуритиш имкониингиз бўлмаса, уларни газ плиталари духовкаларида ҳам қуритиш мумкин. Бундай усулда зираворлар қуритилганда ҳарорат 40-50 даражадан ортиб кетмаслиги керак.

Қуриган зираворларни алоҳида-алоҳида янчиб бежирим шиша идишчаларга солиб қўйиш улардаги табиий фойдали хусусиятларни йўқотмай сақлаш, улардан қўшиб тайёрланадиган овқатларни хушбўй, мазали моддаларга бой бўлишига ҳамда танага шифобахш таъсир этишига имкон яратилади.






Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.

## Ривоят

# ТИЛИНИ ТИШЛАГАН ЭР

Деҳқон далада ер ҳайдар, уйга келганда эса кўпинча ўз меҳнатини хотинига миннат қиларкан. Бир куни қўш ҳайдашга жўнашдан олдин яна унинг харҳашаси бошланибди. Хотини бундан дили оғриб, эрига дебди:

— Ўрнимизни алмашамиз, мен ер ҳайдашга кетдим, сиз эса уйда қолинг!

Уй-рўзғор юмушларини осон деб ўйлаган деҳқон хотинининг бу шартига рози бўлибди ва ўз кўнглида «хотиним қўшни ҳайдай олмай қайтиб келади», деб ўйлабди.

Хотин далага кетишдан олдин эрига уй юмушларини бирма-бир эслатибди. У дастлаб сутни пишириши ва бошқа уй юмушларини навбати билан бажариши керак эди. Эр сутни пиширишдан олдин шошиб қолмайин деб, чўмични белбоғига қистириб қўйибди. Сутни оловга қўйгач эса бошқа юмушларни бажаришга киришиб, қозонни унутибди. Сал фурсат ўтиб, қозон бошига келиб қараса сут қайнаб тошаётган эмиш. Белбоғига қистирган чўмични унутиб, ошхонани роса қидирибди. Аммо чўмични топгунча қолган сут ҳам бир ёқли бўлибди.

Уй-рўзғор юмушларининг шу қадар кўплигидан чарчаб қолган эр даштда ер ҳайдашни афзал кўрибди. Хотин эса сир бой бермай уйига кириб борибди.

Қараса эрининг тили калимага келмас эмиш. Хотин даладаги бажарган иши ҳақида: «Ер ҳайдаш бормоқ-келмоқ экан!» деб қўйибди.

**Насриддин**
**БОТИР.**




# ХЎРАНДАЛАР ҲАЙДАБ ЧИҚАРИЛДИ

Глазго шаҳридаги ресторанлардан бирининг соҳиби хўрандаларни кўпроқ йиғиш мақсадида қуйидаги эълонни осиб қўйди: «Бугундан бошлаб ресторандан энг охири чиқиб кетган кишига эртаси куни бепул хизмат қилинади». Эълондан сўнг ресторан хўрандалар билан шунақанги тўлиб кетдики, иш вақти тугагач, уларни фақат ҳайдаб чиқаришга тўғри келди.



# ИТАРУВЧИЛИК – КАСБ

Сеул метросида янги касб жорий этилган. Бу вазифани бажариш учун диплом талаб қилинмайди.

Ушбу касб бўйича ишга қабул қилинганларнинг вазифаси шундан иборатки, улар бекатдаги одамларни тўлиб кетган вагонларга итариб киргизишади ва вагон эшикларининг тезроқ ёпилишига кўмаклашади. Шу йўсин поездларнинг ўз маромида қатнашига имконият яратишади.

Ҳозирча бу ишга 132 талаба жалб қилинган. Улар 20 дан ортиқ тиқилинч бекатларда иш олиб боришади.

## ЖУМБОҚ

Маълумки, керосин чироқ гоҳ-гоҳида тутаб шипда қора доғлар ҳосил қилади. Лекин, эътибор берган бўлсангиз, электр лампочкаларининг тепасида, шипда ҳам қора доғлар ҳосил бўлади.

Нима, электр лампочкалар ҳам тутайдими?

Жавобда фақат «ҳа» ёки «йўқ» сўзлари билан кифояланмай, ҳодисанинг сабабларини муфассал асосланг.

* * *

*Ўтган сонда берилган жумбоқнинг жавоби:*

**«Бунинг учун қувур ёнига гулхан ёқиш керак. Қувурнинг қайси томони кўпроқ қизиса, сув ўша томонга қараб оқаётган бўлади».**

**Бу жавобни Юнусобод туманилик Рая Лян 136-35-60 телефони орқали хабар қилди.**



«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 916, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.00
1 2 3 4 5 6